



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

**Бизнинг асосий
вазифамиз –
ёшларнинг ўз
салоҳиятини
намоён қилиши
учун зарур
шароитлар
яратишдан иборат.
Шавкат МИРЗИЁЕВ.**

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 12-iyun, shanba, 68 (23.504)-son

Жорий йилнинг 10-11 июнь кунлари Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон тақлифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев расмий ташриф билан Тожикистонда бўлди.

Ургутда Тожикистон ҳомийлигида қурилган мактаб фойдаланишга топширилди

Ташриф доирасида тўғридан-тўғри Душанбе шаҳрига узатилган видео-алоқа орқали Ургут туманининг Мерганча маҳалласида Тожикистон Республикаси ҳомийлиги асосида қурилган янги мактабнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда икки давлат раҳбарлари онлайн тарзда иштирок этиб, рамзий

рени ташкил этиш, ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланиши, иқтидорини ривожлантириш бўйича яратилган шароитлар билан танишди.

640 ўринли янги таълим муассасаси замон талаблари асосида барпо этилган бўлиб, 3 қаватли бино, 26 та ўқув хоналари, кимё, биология, физика лаборатория хоналари, АКТ, спорт



туғмачани босиши орқали янги мактаб биносини очиб берди.

Тадбирда Тожикистон Республикаси Таълим ва фан вазири Муҳаммадйусуф Имомзода бошчилигидаги делегация вакиллари, Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов, Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Э.Ҳамроев, вилоят ҳокими ўринбосари Хуршид Очилов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Зебинисо Шодиева қатнашиб, янги мактабда сифатли таълим-тарбия жараёнла-

зал, ошхона билан жиҳозланган.

Бунёдкорлик ишларига 30 миллион сомоний (тахминан 30 миллиард сўм) маблағ сарфланган. Икки мамлакат вакиллари мактабда ўқувчилар учун яратилган шароитлар билан танишди.

Эслатиб ўтамиз, ўтган йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон маблаглари ҳисобига бунёд этилган умумтаълим мактаби Тожикистон Республикасининг Сўғд вилоятида қуриб фойдаланишга топширилган эди.



ЁШЛАРНИ БИРЛАШТИРАЁТГАН ФЕСТИВАЛЬ

Шу кунларда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги ҳамда 30 июнь – Ёшлар куни олдида бир қатор маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Кеча вилоятимизда “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остида Ёшлар фестивали бошланди.

БУЮК БОБОЛАРГА ЭХТИРОМ

Фестиваль кеча эрта тонда Самарқанд шаҳридаги Амир Темура хайкали пойига гуллар қўйиш билан бошланди. Маросимда вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, ҳарбий хизматчилар, фаол ёшлар иштирок этди.

Бир вақтнинг ўзига олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талабалар, ёш ихтирочилар Мирзо Улуғбек, шоирлар, тилшунос ва адабиётшунослар, ижодкор ёшлар Алишер Навоий хайкали пойига гул қўйиш маросимларида қатнашди.

20 МИНГА ЯҚИН ЁШЛАР БИРЛАШДИ

Фестиваль ёшларнинг байрамони юриш маршлари билан давом этди. 20 мингга яқин йигит-қиз Регистон майдонидан Университет хиёбони бўйлаб ҳаракатланди. Уларга вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари, “Ватанпарвар” ташкилоти вакиллари, Миллий гвардия отликчлари, ҳарбий оркестр, карнай-сурнайчилар ва доирачи болалар ҳамроҳлик қилди.

– Бугун биз, самарқандлик ёшлар учун унутилмас кун, – дейди Самарқанд давлат чет тиллар институти талабаси Шохруҳ Суёнов. – Авалгиларига ўхшамаган, ёшларни бирлаштирадиган байрам бўлди. Марафонда фестивал рамзи туширилган кийимдаги ўқувчи ва талабалардан ташқари, вилоятимизнинг турли қорхона ва ташкилотларида фаолият юритаётган ёшлар ҳам ўзларининг махсус иш кийимларида қатнашди. Биз бугун турли ҳудуд, турли соҳа вакиллари билан иборат ёшлар бирлашиб, байрамонга юриш қилдик.

Марафондан сўнг хиёбон марказида фестивалнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

РЕГИСТОНДАН РЕГИСТОНГАЧА 10 КИЛОМЕТР

Спорт мусобақалари ҳам ташкил этилди. Регистон майдонидан бошланган веломарафонда ёшлар Шоҳи Зинда мажмуаси, Улуғбек расадхонаси ва Абу Али Ибн Сино кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб, яна Регистон майдонидидаги марра чизигини босиб ўтди. 2 минг нафарга яқин йигит-қиз ораси-

дан 10 километр масофани босиб, маррага биринчилардан бўлиб етиб келган 6 нафар иштирокчига диплом ва велосипед топширилди.

Мусобақада ўғил болалар ўртасида биринчи ўрин ургутлик Сардор Мухторовга, қизлар ўртасида эса пайариклик Мухлиса Санақуловага насиб этди.

БОЛАЛАР ҲАМ ЧЕТДА ҚОЛМАДИ

Самарқанд шаҳридаги “Ёшлик” иштирокчи болалар эртақ қаҳрамонлари кутиб олди. “Дунё – болажонлар нигоҳида” шиори остида вилоят мактабгача таълим бошқармаси ҳамда вилоят кўғирчоқ театри ҳамкорлигида кўнгличлар дастурлар намойиш этилди. Боғча тарбияланувчилари иштирокида турли спорт мусобақалари, “Зумрадойлар” кўрик-танлови уюштирилди.

– Мамлакатимизда июнь ойи болалар байрами билан бошланиб, “Ёшлар куни” билан якунига етади, – дейди вилоят мактабгача таълим бошқармаси бўлим методисти Райҳона Асророва. – Кейинги йилларда ёз фаслининг бошланиши – 30 кун давомида мамлакатимиз келажаги бўлган ёш авлод вакиллари учун турли тадбирлар, фестиваллар ўтказилиши аниқланадиган бўлади. Шу кунларда Самарқандда ўтказилган Ёшлар фестивалида болалар ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Тадбир

доирасида тарбияланувчилар ўртасида велоспортга ўтказдик. Шунингдек, шахмат-шашка, тасвирий санъат, қўл меҳнати бўйича болажонларимиз ўз истеъодларини намойиш этмоқда. Истироҳат боғида ташкил этилган саҳнада болажонларнинг муסיқий чиқишлари томошабинлар қалбига хуш кайфият бағишляпти.

Шу кунги боғда ташкил этилган иккита саҳнада вилоят кўғирчоқ театри ижодкорлари томонидан “Қулқосиз хўтиқча” ҳамда “Бей дубинка” спектакллари намойиш этилди.

Шунингдек, фестивал доирасида олий ўқув юртлири жамоалари ўртасида “Қувноқлар ва зукколар”, иқтидорли ёшлар ўртасида “Ўзбек миллий рақслари”, “Шарқ халқлари рақслари” ва “Балет рақслари” кўрик-танловлари ўтказилди. Регистон майдони ва “Чорсу” галереяси ҳудудида ҳаво шарлари учирилди. Футбол, киберспорт, катинг ва боулинг мусобақалари бўлиб ўтди. Муз устида ўйинлар ташкил этилди.

Фестивалнинг биринчи куни “Нуррафшон” маданият саройида “Ёшлар куйлаганда” номли ҳамда Регистон майдонида Ўзбекистон ёшлар симфоник оркестрининг концерт дастурлари билан якунланди.

**Тўлқин СИДДИҚОВ,
Ҳилола ЭРГАШЕВА,
Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).**

Кун тартибда аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш ва сув ресурслари масаласи

11 июнь куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ўттинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни Кенгаш котибияти мудири Ш.Йўлдошев бошқарди.

Депутатлар дастлаб сессия кун ва иш тартибини тасдиқлаб олдилар.

Сессия ишида Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи М.Қурбоновнинг фўкарлар ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Қайд этилишича, 2021 йилнинг 1 июнь ҳолатига давлат хизматлари марказлари томонидан 373 211 та, шундан интернет орқали 40 094 та давлат хизматлари кўрсатилган.

Шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллаларда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда давлат хизматлари марказлари филиалларини босқичма-босқич ташкил этиш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, бугунги кунгача Каттакўрғон шаҳар (Ингичка кўрғони), Самарқанд (Қайнама маҳалласи), Паст Дарғом (Олти қаҳрамон), Ургут (Жартена), Нуробод (Саҳоба) ва Қўшработ (Жонбулоқ) туман Давлат хизматлари марказларининг филиаллари ташкил этилган. 2021 йил 1 июнь ҳолатига филиаллар орқали 3 207 та хизматлар кўрсатилган.

Шунингдек, Давлат хизматлари марказлари томонидан аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида ҳафтанинг дам олиш кунлари (шанба ва якшанба)

жойларга чиққан ҳолда сайёр тартибда 11 минг 234 та хизмат кўрсатилган.

– Массул ходимлар томонидан Давлат хизматлари марказлари ҳамда ФХДЁ бўлимларида “Сирли мижоз” ва рейд тадбирлари ўтказиб келинмоқда, – деди М.Қурбонов. – Жумладан, ўтган 5 ой давомида 32 марта рейд, бир марта “Сирли мижоз” тадбири ўтказилди. Бу тадбирлар натижасида 1 нафар ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди, 9 нафар ходимга интизомий жазо чораси қўлланилди, 12 нафар ходимга расмий огоҳлантириш берилди.

Депутатлар давлат хизматлари кўрсатишнинг шаффофлигини таъминлаш борасидаги масалалар ҳақида сўз юритиб, тизимдаги айрим камчиликларни танқид қилди. Тизимда сифат ва самарадорликни ошириш юзасидан таклиф ва тавсияларини билдирдилар.

Сессия ишида шунингдек, “Зарафшон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Ф.Ражабов вилоятда мелиорация объектларини таъмирлаш-тиклаш дастури доирасида олиб берилаётган ишлар юзасидан ҳисобот берди.

Ф.Ражабовнинг маълум қилишича, 2021 йил 1 июнь ҳолатига дастур доирасида 13 та лойиҳа бўйича 79,2 миллиард сўм капитал маблаглардан 51,9 миллиард сўм ёки йиллик лимитнинг 65 фоизи ўзлаштирилган.

Вилоят Кенгашидаги ЎзЛиДеП депутатлар гуруҳи раҳбари Б.Хўжаёров-

нинг фикрига кўра, Зарафшон дарёсида тартибсиз равишда ноқонуний тош-шағал қазиб олиниши оқибатида дарё ўзани чуқурлашиб бормоқда. Бу гидрологик, экологик хавфдан ташқари катта техноген хавф-хатарни ҳам юзага келтириши мумкин. Депутат шунинг учун турли тармоқ вакиллари билан иборат комиссия тузиб, дарё ўзани ва ундаги гидротехник иншоотларни ҳимоя қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш таклифини билдирди.

Б.Хўжаёров Ургут тумани Мерганча маҳалласида қурилган кўч қаватли уйларнинг оқова сувлари туман ҳудудидан ўтвчи Янгиарик каналига ташланаётгани аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганига тўхталиб, сурат ва видеолаҳзани тақдим этди.

Депутат кўтарган ушбу масала кизгин муҳокама қилиниб, бу борада зарур чоралар белгиланди.

Сессия давомида депутатлар вилоят бosh архитектори Ҳ.Мирзоевнинг 2021 йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида вилоятда аҳоли пунктларининг ишлаб чиқилган бош режа схемалари юзасидан тақдироти билан танишиб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

Шунингдек, сессияда халқаро молия институтлари иштирокида Каттакўрғон шаҳрида ичимлик ва оқова сув тизимларини модернизация қилиш ва вилоятнинг 6 та тумани маркази ва шаҳарчаларида оқова сув тизимларини қуриш лойиҳаларини тасдиқлаш, вилоят ҳокимлиги бошқарув аппаратининг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашида бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Сессияда Кенгаш ваколатига тегишли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Вилоятнинг энг яхши тадбиркорлари аниқланди

Самарқанд шаҳридаги «Мўъжиза» базмига Ўзбекистон Республикаси Президентининг унвони «Ташаббус-2021» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.



Унда туман-шаҳарларда голиб чиққан 78 нафар тадбиркор ўз йўналишида биринчи ўрин учун беллашди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Уроқов иштирокчиларни табриклаб, уларга танловнинг якуний-Республика босқичида ҳам омад тилади.

Бир йиллик танафусдан сўнг ўтказилган танловда нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ҳам иштирок этди. Танловда илк бор қатнашаётган тадбиркорлар сони ҳам сезиларли равишда ошган.

– Биз 2017 йилда текстиль йўналишида 2 нафар ишчи билан оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошлаганимиз, – дейди “Ургут санаот сервис” оилавий корхонаси раҳбари Фазлиддин Салимов. – Даромад ошгач, Туркия ва Германиядан замонавий ускуналар келтириб, эркаклар кўйлақларини тикишни бошладик. Ҳозирда 65 нафар ишчи билан “URGUTINI” бренди остида махсулотларимизни ички ва ташқи бозорларга сотаямиз. Йилнинг ўтган 5 ойида Туркияга 500 миллион сўмлик махсулот экспорт

қилдик. Йил якунига эркаклар шимини тикишни йўлга қўйиш режалаштириляпти. Бундан ташқари, вилоят бандлик бош бошқармаси билан ҳамкорликда Қўшработ тумани Урганжи маҳалласида кооператив ташкил этиб, тикиш курслари очилди. Ҳозирда у ерда иш ўрганувчиларни доимий иш билан ҳам таъминлаш режалаштирилмоқда.

“Ташаббус-2021” танлови иштирокчиларининг фаолияти “Йилнинг энг яхши хунарманди” йўналиши ҳамда 11 та қўшимча номинациялар бўйича баҳоланди:

- Яқка тартибдаги тадбиркор Сирожиiddин Бурхонов “Йилнинг энг яхши “Start-Up” лойиҳаси”;
- “Роҳат она чеварлари” оилавий корхонаси “Энг яхши оилавий бизнес” йўналишида;
- “Ургут Мазруфхожи” масъулияти чекланган жамияти “Энг яхши инвестицион лойиҳа”;
- “Кумуш тола” хусусий корхонаси “Энг яхши экспортчи”;
- “Оқдарё ипаги” масъулияти чекланган жамияти “Ёшларга энг кўп иш ўрни яратган тадбиркор”;
- Биҳомиди Хўжақулова “Энг яхши миллий бренд”;
- “Hotel Zirabuloq Servis” масъулияти чекланган жамияти “Туризм соҳаси ривожига қўшган ҳиссаси”;
- “Булунгур Сандвик” агрофирмаси “Энг яхши тадбиркорлик кластери”;
- “Митан ёғду электрик” масъулияти чекланган жамияти “Йилнинг энг яхши махсулоти”;
- Биҳомиди Хўжақулова “Энг яхши миллий бренд”;
- “Hotel Zirabuloq Servis” масъулияти чекланган жамияти “Туризм соҳаси ривожига қўшган ҳиссаси”;
- “Булунгур Сандвик” агрофирмаси “Энг яхши тадбиркорлик кластери”;
- “Митан ёғду электрик” масъулияти чекланган жамияти “Йилнинг энг яхши махсулоти”;
- Биҳомиди Хўжақулова “Энг яхши миллий бренд”;
- “Marokand Gold” корхонаси “Маҳалланинг ривожига энг кўп ҳисса қўшган тадбиркор” сифатида эътироф этилиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Вилоят кардиология диспансерида ўтган йил инвестиция дастури асосида 12 миллиард сўмлик қуриш-реконструкция ишлари амалга оширилиб, кардиореанимация, кардиохирургия, ортимология, ортериял потология каби олтита янги бўлим очилди. 100 қатновли поликлиника, 220 ўринли, барча қулайликларга эга бўлган стационар даволаш маркази ташкил этилди.

Шу билан бирга, марказга 2020 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида 20 миллиард сўмлик замонавий тиббий ускуналар келтирилиб, юрак қон-томир хасталиклари билан боғлиқ мураккаб жарроҳлик амалиётларини бажариш йўлга қўйилди. Бу ишни Мақсуд Саидов бошчилигидаги хорижда ишлаб, малака оширган ва бугун юртимизга таклиф этилиб, ишлаши ва яшаши учун чет элдан кам бўлмаган шарт-шароит яратиб берилган ўзимизнинг 15 нафар ёш мутахассисларимиз бажармоқда.

ЮРАК ХАСТАЛИГИ ДАВОСИЗ ЭМАС
Мақсуд Саидов – Самарқанд фарзанди. Паст Дарғомда туғилиб ўсган. 2011 йилда Самарқанд давлат тиббий институтини битиргач, Россияга бориб, Москвадаги А.Бакулев номидаги юрак қон-томир хирургияси институтида илмий фаолият билан шуғулланиб, ўша ерда ишлади.
– Кўп нарса ўрганиб, тажриба орттиргач, 2015 йилда юртимизга келиб, юрак хасталиклари билан даволаш бўйича ўз таклифларим ва ғояларимни билдирдим, – дейди М.Саидов. – Афсуски, ҳеч ким эшитмади, мен айтган даво муолажаларини бу ерда амалга ошириш учун шароит ҳам, имконият ҳам йўқ, дейишди. Бир нечта эшикка бош сўқдим, аммо натижа бўлмади, айрим раҳбарларнинг қабулига ҳам киролмаганим. Кейин яна Москвага қайтиб, ўша ерда шу фаолиятимни давом эттирдим, номзодлик диссертациясини ёқладим.
Кейинчалик мамлакатимиз тиббиётида янгиланишлар бошланиб, хорижда ишлаётган мутахассислар юртимизга қорлангач, менга ҳам таклиф бўлди. Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббий марказида кардиохирургия бўлими очилди ва болаларда учрайдиган юрак хасталикларини жарроҳлик йўли билан даволаш бўйича лойиҳага қўл урилди. Раҳбарларга агар зарур тиббий ускуналарни олиб беришса, уч ой ичида юракда очик операцияларни амалга оширишга ваъда бердим. Вилоят ҳокимли-

САМАРҚАНДЛИК КАРДИОЖАРРОҲЛАР: бемор вақтида мурожаат қилса, ҳар қандай хасталикни ДАВОЛАЙ ОЛАМИЗ



ги, соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқарма қўллаб-қувватлаб, имконият яратди. Керакли аппаратлар келтирилгач, апрелда иш бошлаб, илк жарроҳлик амалиётини муваффақиятли ўтказдик. Ҳокимлик уй-жой ва бошқа шароитларни яратиб беришни ваъда қилгач, Москвадаги А.Бакулев номидаги юрак қон-томир хирургияси институтида ишлаётган яна икки нафар ҳамкасбим – Икром Маллаев ва Мирзохид Темировни шу ерга таклиф қилдим ва биргаликда ишлаш бошладик. Сўнгра яна бошқа юртдошларимизни чақирдик. Шунча ўқиб, ўрганганимизни Ватанимизда қўлламасак, халқимизга хизмат қилмасак, ким деган одам бўлаемиз?!
Икки йилда марказда самарқандлик ва кўшни вилоятлардан келган, туғма юрак нуқсонли билан туғилган 1000 нафардан ортик бола юрагида жарроҳлик амалиёти бажарилди. Уларнинг 800 нафари бутунлай дарддан фориғ бўлиб, ногиронлиги олди олинди. Қолган бемор болаларда айни пайтда реабилитация жараёни давом этмоқда. Улар ҳам албатта, соғайиб кетади.
Ана шу натижалар, хорижда малака ошириб

келган мутахассисларимизнинг тажрибаларига таянган ҳолда ўтган йили вилоят кардиология диспансери фаолиятини такомиллаштиришга киришилди. Катталарда учрайдиган юрак хасталикларини ҳам замонавий услублар асосида кардиохирургик йўл билан даволаш учун бу ерда зарур шарт-шароит яратилди. Муассаса раҳбарлигига эса Мақсуд Саидов тайинланди.
ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР САМАРҚАНДГА КЕЛИБ ДАВОЛАНМОҚДА
Самарқанд вилоят кардиология диспансерида 220 миң киши турли хил юрак хасталиклари билан рўйхатда туради. Ана шу фуқароларнинг 10 миң нафари кардиохирургияга муҳтож. Иқтисодий имконияти етарли бўлганда шу пайтгача хорижда бориб бўлса-да, жарроҳлик амалиётини ўтказган ёки бугун оддий бўлиб қолган ҳолат, томирига стент қўйдириб келган.
– Диспансерда янги бўлимлар очилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланиб, барча қулайликларга эга бўлган стационар даволаш маркази ташкил этилгач, ўзимизда имкониятлар пайдо бўлди, – дейди муассаса директори ўрин-

босари, Санкт Петербургдаги И.Джанелизи номидаги шошилч тиббий ёрдам илмий тадқиқот институтида ишлаб келган кардиолог Рустам Қўшназаров.
– Ҳозир юқори технологик мураккаб юрак жарроҳлик амалиётлари тўлиқ ўзимизда бажарилмоқда. Юракка стент қўйиш, юрак ритмининг мураккаб бузилишини жарроҳлик йўли билан тиклаш ҳамда очик юракда жарроҳлик амалиётлари ўтказилиши йўлга қўйилди. Шу пайтгача 400 та мураккаб операция бажардик ва барчаси муваффақиятли ўтди. Бу беморлар фақат Самарқанддан эмас, кўшни вилоятлардан ҳам келяпти. Шифохонамиз минтақавий марказдек бўлиб қолди. Ҳатто яқин кўшни давлатлардан ҳам беморлар мурожаат қилмоқда. Ўтган йил декабрь ойи ва жорий йил бошидан буён 34 нафар чет эллик беморларни операция қилдик.
ИНФАРКТГА ЧАЛИНГАН БЕМОР ШИФОХОНАГАЧА КЕЛСА БАС, АЛБАТТА СОҒАЙИБ КЕТАДИ
Маълумотларга кўра, Самарқандда бир йилда 3000 киши миокард-инфаркт бўлар экан. Самарқанд шаҳрининг ўзида йилига 700

нафар шундай бемор қайд этилади. Афсуски, шу пайтгача уларнинг 20 фоизда ўлим ҳолати кузатилган бўлса, 80 фоизи ногирон бўлиб қолган.
– Энди инфаркт бўлган кишиларни жарроҳлик усули билан даволаб, 96 фоизини соғайтириш имкониятимиз бор, – дейди Мақсуд Саидов. – Бемор шифохонагача келса бас, уни соғайтира оламиз. Хорижга боришга, вақт ва катта маблағ сарфлашга ҳожат йўқ. Инфаркт туфайли ўлим ёки ногиронлик ҳолатлари кескин камайди. Беморда асорати қолмайди. Ногирон бўлиб, оиласига, жамиятга юк бўлмайди. Атрофимиздаги хорижда ўқиб, малака ошириб келган 15 нафар врачнинг барчаси ўз соҳасининг мутахассиси. Ўтган йил яна тўрт нафар ёш мутахассисимиз “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали чет элда малака ошириб келди. Очик операцияларни ҳам, томир орқали бажариладиган ёпиқ операцияларни ҳам замонавий технологиялар асосида амалга оширамиз. Яқинда давлатимиз раҳбари Самарқандга ташрифлари давомида вилоят фаоллари билан учрашувда хорижда ишлаб юрган мутахассисларни юртимизга таклиф қилинглар, ойлик машинаси ҳам, иш ва турмуш шароитини ҳам чет давлатларникидан кам қилмаймиз, дедилар. Бизнинг врачларимизни ҳам вилоят ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бошқармаси сўраб турибди, барчасини уй-жой билан таъминлаяемиз. Ойлик маоши ҳам хорижда оладиган даражага келиб қолди. Шу пайтгача бундай имконият бўлмаган, бунинг қадрига етишимиз, билим ва тажриба-мизни юртимизда қўллаб, халқимизга ёрдам беришимиз керак.
Марказ раҳбарининг қайд этишича, бугун турли омиллар, жумладан, кам ҳаракатланиш, соғлом турмуш тарзига риоя этмаслик ва тўғри овқатланмаслик натижасида 45-50 ёшлардаги кишиларда ҳам инфаркт касаллиги кўп учрамоқда, яъни бу хасталик “ёшармоқда”. Бу ёшдаги кишилар эса айни куч-қувватга тўлган, жамиятга, ўз оиласига хизмат қилиши керак. Шу боис жорий йилда муассасада инфаркт олди ва инсульт олди хасталикларини даволаш йўлга қўйлади. Касаллик эрта аниқланиб, даволаш чоралари кўрилади.
Муассасада яқинда Самарқанд давлат тиббиёт институтининг ўрта кафедраси учун жой ажратилди. Энди бўлажак шифокорлар шу ерда малакали мутахассислардан назарий билимлар билан бирга амалиётни ҳам ўрганади. Заруратга қараб, улар ҳам хорижда малака оширишга юборилади.
Ф.ҲАСАНОВ, А.ИСРОИЛОВ (фото).

Самарқандда шу кунларда уч нафар она соғлом бўлса-да, жарроҳлик амалиётини бошдан ўтказди. Чунки уларнинг ҳали йигирмага ҳам кирмаган фарзандлари бир неча йилдан буён буйрак етишмовчилиги билан хасталанган.

Буйрагини фарзандига бераётган оналар

Бу дарддан фориғ бўлиши учун уларнинг узоққа бориши шарт бўлмади. Самарқанддаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида уларга шундай имкон яратилди. Авваллари фақат пойтахтга, уч йил олдин эса хорижда боришга мажбур бўлган беморлар яқин кунларда туман миқёсида ҳам ушбу жиддий операцияни амалга ошириши мумкин.



Мамлакатимиз раҳбарининг тиббиётимизни янги босқичга кўтариш бўйича берган топшириқлари асосида кейинги йилларда соҳада қатор ўзгаришлар бўлди, – дейди академик Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази раҳбари Сайдимурод Исмоилов. – Марказимизда 2017 йилдан буён буйрак кўчириб ўтказиш операциялари кенг миқёсда амалга ошириб келиняпти. Биргина шу йилнинг ўзида 100 га яқин шундай жарроҳлик амалиётлари ўтказилди. Ҳисоб-китобларимизга кўра, республикамиз миқёсида 5 миңга яқин беморлар бугунги кунда буйрак трансплантациясига муҳтож бўлиб, эндиликда бу амалиётни фақат Тошкентда эмас, вилоятларда ҳам ўтказишни бошладик. Хусусан, Наманган, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида тажрибали мутахассислар, пойтахтда шу йўналишда тажриба ошириб қайтган маҳаллий жарроҳлар иштирокида ўтказилаётган ушбу тиббий ёрдам одамларнинг узогини яқин қилиши, ортиқча маблағ сарфланшининг олдини олади.
Ургутда ҳам яқин кунларда шу каби операция амалга оширилиши режалаштирилмоқда. Бугун нафақат вилоят, балки туман тиббиёт муассасаларида ҳам мураккаб жарроҳликни амалга ошириш учун шароитнинг етарли эканлиги, мутахассисларнинг мавжудлиги яратилаётган шароитларнинг натижасидир.
Вилоятда айни кунларда буйрак трансплантациясига муҳтож бўлган 300 дан ортик беморлар рўйхатга олинган. Мутасаддиларнинг айтишларига қараганда, улар навбати билан соғломлаштирилади. Айни кунларда пойтахтдан келган

Ўтган ўқув йилида вилоятдаги 37 та касб-ҳунар мактабларида 8461 нафар ўқувчи 48 та касб бўйича таҳсил олди.

Энг кўп ҳужжат топширган йўналишлар – автомобилларни таъмирлаш чилангари (1724 нафар), тикувчи (1440 нафар), тракторчи-машинист (701 нафар), пайвандовчи (533 нафар), автомобиль двигателларини қисмларга ажратиб ва йиғиш чилангари (516 нафар) ҳамда электромонтёр касби (487 нафар) бўлиб, ўқувчилар кўпроқ ушбу йўналишларга мойиллик билдиришди.
Аммо тарғибот яхши бўлмагани учун айрим касбларга ёшларни жалб этиш кўнгилдагидек эмас. Масалан, пойабзал таъмирлаш устаси касбига 13, газ жиҳозлари чилангари касбига 22, электр ҳисоблагичларни эксплуатация қилувчи электромонтёр касбига 23, иссиқхона ҳўжалиги лаборанти касбига 26, қишлоқ ҳўжалик маҳсу-

Қарийб 8,5 миңг ўқувчи касб-ҳунар мактабда ўқимоқчи

лотларини қайта ишлаш ва сақлаш лаборанти касбига 27 нафар ўқувчи ҳужжат топширди.
Аслида ушбу касблар ҳам кўндалик ҳаётимизда асқотишини кўриб турибмиз.
2021-2022 ўқув йилида эса 8342 нафар 9-синф битирувчилари вилоятдаги касб-ҳунар мактабларида ўқиш истагини билдиришди.
Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари энди касб-ҳунар мактабларида 2 йиллик умумтаълим ва мутахассислик фанларининг интеграцияланган дастурлари асосида таълим олади.
Янги ўқув йилида давлат бюджети ҳисобидан касб-ҳунар мактаби ўқувчилари базавий

ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдориди ойлик стипендия ҳамда уч маҳал овқат ва ётоқхона билан таъминланади ёки уларнинг харажат пуллари тўлаб берилади.
Касб-ҳунар мактабларида 9-синф битирувчиларининг ҳужжатларини қабул қилиш жараёни ҳар йили 1 июлдан 20 июлга қадар пандемия шароити инобатга олинган ҳолда, онлайн ёки анъанавий тарзда амалга оширилади.
Отажон НОРОВ, вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси.

Уч йил аввал тайинланган, қайта ҳисобланган пенсияларни текшириш, аниқланган ортиқча тўловни ундириш бекор қилинди

– 2005 йилгача хусусий фирмаларда ишлаб келганман. Лекин мазкур иш даврим учун маълумотлар сақланмаган. Шу даврлар пенсия тайинлашда ҳисобга олинмади.
М.ХУШМАНОВ.
Президентимизнинг 2021 йил 3 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли соломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармонининг 10-бандига мувофиқ, пенсия ва нафақаларни тайинлашда фуқаролар учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида 2021 йил 1 июндан бошлаб пенсияларни тайинлашда шахснинг иш ҳақи ва меҳнат стаж тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган давр – 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажини ҳисоблашда дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида, тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмаган ҳисобланади.

– 2013 йил менга пенсия тайинланган бўлиб, яқинда ўтказилган текшириш жараёнида менга нотўғри пенсия тайинланганилиги ва ортиқча тўлов қилинганлиги аниқланди. Энди ушбу ортиқча тўлов пенсиямдан қайтариб олинмади.
Қ.СОБИРОВ.
Президентимизнинг юқорида таъкидланган фармони 10-бандига кўра, уч йил ва ундан аввал тайинланган, қайта ҳисобланган пенсия ва нафақаларни текшириш ҳамда улар бўйича аниқланган ортиқча тўловни ундириш бекор қилинди.

Саволларга Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Самарқанд шаҳар бўлими шўъба мудири Аминжон РАБИМЗОДА жавоб берди.

Вилоятнинг энг яхши тадбиркорлари аниқланди

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).
Шундан сўнг асосий йўналишларда ғолиб деб топилганлар эълон қилинди.
“Санот соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори” йўналишида
1-ўрин – “Mironkul Construction Materials” МЧЖ
2-ўрин – “Samarkand-England Eko Medikal” МЧЖ ҚҚ
3-ўрин – “Оспан Кар Инвест” МЧЖ
“Хизмат кўрсатиш соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори”
1-ўрин – “Sarmed Pratiksha Hospital Group” МЧЖ ҚҚ
2-ўрин – “Манзурабону” НТМ
3-ўрин – “Мироншоҳ Гранд – 2020” МЧЖ
“Йилнинг энг яхши фермери”
1-ўрин – “Жомбой наслил парранда”
2-ўрин – «Озод Худойбердиев»
3-ўрин – “Қўрғон жилваси” фермер ҳўжаликлари
“Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори”
1-ўрин – “Ургут саноат сервис” оилавий корхонаси
2-ўрин – “Net Product Lux” МЧЖ
3-ўрин – “Жаҳонгир Бакт Плюс” МЧЖ
“Йилнинг энг яхши хунарманди”
1-ўрин – Шавкат Зоҳидов
2-ўрин – Жамол Эсонов
3-ўрин – Фарҳод Эргашев
Ҳар бир йўналишда биринчи ўринни эгаллаган тадбиркорлар “Ташаббус-2021” танловининг республика босқичида иштирок этиб, вилоятимиз шарафини ҳимоя қилади.
Ўктам ХУДОЙБЕРДИЕВ.

“КАТТАҚЎРҒОН ПАХТА ТОЗАЛАШ” акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

“Каттақўрғон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2021 йил 30 июнь кунини ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 09:30 да Каттақўрғон шаҳри Т.Розиқов кўчаси, 2-ўйда жойлашган “Каттақўрғон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 9:00 бошланади.

Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.kattakurganptk.uz

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:

- акциядорлар йиллик умумий йиғилиши санок көе миссияси таркиби ва регламентини тасдиқлаш;
- жамиятнинг 2020 йил якуни ва бизнес-режаси кўрсаткичининг бажарилиши бўйича жамият бош директорининг ҳисоботини эшитиш;
- жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш;
- жамият тафтиш комиссиясининг 2020 йил якуни бўйича ҳулосасини тасдиқлаш;
- жамият қузатув кенгашининг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш;
- жамиятнинг 2020 йил молиявий ҳўжалик якуни бўйича аудиторлик ташкилотларининг ҳулосаларини тасдиқлаш;
- жамиятда 2020 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;
- жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш;
- жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш;
- жамият қузатув кенгаши аъзоларини сайлаш;
- жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш;
- жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- жамиятнинг 2021 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш;

- акциядорлар ваколоти доирасида ҳал қилиниши лозим бўлган, “Каттақўрғон Кластер” масъулияти чекланган жамияти тўқимачилик кластер ташкилотининг мурожаатларини кўриб чиқиш;

- пахта тўқимачилик кластери ташкилоти томонидан сотиб олинмаган асбоб-ускуналар ва бошқа турдаги мулкларни “E-ijro aukcion” орқали сотиш масаласини кўриб чиқиш;

- жамият активларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, жулдалан, мулкларни оммавий савдоларда сотиш, маҳаллий ҳоқимият ёки давлат бошқарув органи балансида ўтказишни кўриб чиқиш билан боғлиқ йирик битимларни тузишни тасдиқлаш;

- жамият устав жамғармасига чиқарилган бир донна акциясининг бозор қийматини тасдиқлаш;

- акциядорлар ўзларига тегишли акцияларни жамият томонидан бозор қиймати бўйича қайтариб сотиб олиш тартибини белгилаш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралдаги ПФ-5666-сонли “Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, инвесторларга қулай имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш мақсадида “Узпахтасаноат” акциядорлик жамияти тизим корхоналарининг “E-ijro aukcion” ва биржа савдоларига чиқарилган активлари бўйича тўловларни бўлиб тўлаш шартли билан сотиш механизмини кўллаш тўғрисида.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана - умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2021 йил 8 июнь ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2021 йил 24 июнь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат-паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари

шарт (жисмоний шахслар учун: нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун: мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан “Каттақўрғон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносидан танишишлари мумкин. “Каттақўрғон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 40-моддасига мувофиқ қўйидагиларни маълум қилади:

- овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар жамияти томонидан йирик битим тузилган акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидир;


- ўзларига тегишли акциялар жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади;

- ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги ёзма талаблари акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятга тақдим этилади ҳамда мазкур муддат тугаганидан сўнг жамият томонидан қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядорлардан акцияларни жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан белгиланган бозор нархида қайтариб сотиб олинади.

Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қўйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Каттақўрғон шаҳри Т.Розиқов кўчаси, 2-уй. Электрон почта: sam_pahta455@inbox.uz. Телефон: (90) 270-02-28.

Облоқул БОЗОРОВ



Бешафқат ўлим таникли файласуф, ажойиб педагог ва илм-фан фойдиси Облоқул Бозоровни орамиздан олиб кетди.

О.Бозоров 1930 йилнинг 5 октябрда Самарқандда туғилган. 1951 йилда СамДУ тарих факультетига ўқишга кириб, диплом олгач ушбу олийгоҳда фалсафа кафедраси ассистенти бўлиб ишлади. Кейинчалик Душанбеда Тожикистон миллий университети фалсафа кафедрасида аспирантурага ўқишга кирди. Академик Алоуддин Баҳовуддинов илмий раҳбарлигида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Тожикистон университетда ассистент, катта ўқитувчи ва доцент, кафедра мудири бўлиб ишлади. 1971 йил Ўзбекистон ФА фалсафа институтида унинг докторлик диссертацияси юксак баҳоланди.

О.Бозоров 1975 йилдан бошлаб Самарқанд давлат университетининг фалсафа кафедраси, этика, эстетика ва диншунослик кафедраси, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраларида мудири, профессор бўлиб фаолият юритди. 2008-2012 йилларда Самарқанд вилояти педагог кадрлар малакасини ошириш институти профессори бўлиб ишлади.

Домланинг ташаббуси билан умумиттифоқ фалсафа жамиятини Самарқанд бўлими ташкил этилди. Унинг раҳбарлигида 11 на-

фар тадқиқотчи номзодлик диссертациясини, 2 нафар фан номзоди докторлик ишини ҳимоя қилди.

О.Бозоров файласуф олим сифатида собиқ иттифоқ фанлар академияси фалсафа институтида бир нечта докторлик диссертацияларига раҳбарлик қилди.

Хусусан, унинг “Сўфийлик ва Ўрта Осиёнинг маънавий кадриятлари”, “Маънавий кадриятлар ва Ислон”, “Ўзбекистонда Ислон фундаментализми ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик”, “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” каби илмий тадқиқотлари, 160 дан ортиқ монография, илмий-оммабоп мақолалари нашр этилди.

Устоз фалсафа фанини ривожлантириш, ёш авлодни маънавий тарбиялашдаги хизматлари учун Ўзбекистон ва Тожикистон ҳуқуқий фахрий ёрликлари, “Фидокорона меҳнати учун”, “Меҳнат ютуқлари учун” медаллар ва нишонлар билан тақдирланди.

Унинг бутун ҳаёти касбига садоқат ва одамларга хизмат қилишдан иборат эди. У ҳар доим муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиб, атрофдагиларга қувонч ва куч-қувват бағишлади, бой тажрибаси ҳамкасблари ва шогирдлари учун ҳаёт мактаби бўлди.

Облоқул Бозоровнинг ёрқин хотираси қалбимизда абадий яшайди. **Шогирдлари ва ҳамкасблари.**

ИЖАРАГА ЖОЙ КЕРАКМИ?

Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси қўйидаги объектлар ижарага берилишини маълум қилади:

№	Балансда сақловчининг номи	Майдони (кв. м.)	Фойдаланиш мақсади	Манзили
1	Пайариқ тумани халқ таълими бўлимига қарашли 24-умумий ўрта таълим мактаби	40	Ўқув муассасаларида умумий овқатланиш	Пайариқ тумани Мустақиллик МФЙ
2	Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти	100	Омборхона	Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 47-уй
3	Ургут тумани халқ таълими бўлимига қарашли 95-умумий ўрта таълим мактаби	20	Чакана савдо	Ургут тумани Сариктепа МФЙ, Бойқишлоқ қишлоғи, 2-сектор
4	Самарқанд вилояти божхона бошқармаси	182	Умумий овқатланиш	Ургут тумани Дўстлик маҳалласи
5	Самарқанд вилояти божхона бошқармаси	25	Турли хизмат (пайнет)	Ургут тумани Дўстлик маҳалласи
6	Самарқанд вилояти божхона бошқармаси	30	Идора (хусусий ташкилотларга офис)	Ургут тумани Дўстлик маҳалласи
7	Самарқанд вилояти божхона бошқармаси	245	Чакана савдо	Ургут тумани Дўстлик маҳалласи
8	Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси	30	Чакана савдо	Ургут тумани Омонқўтон МФЙ
9	Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси	28	Маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш турлари	Ургут тумани Омонқўтон МФЙ
10	Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси	182	Умумий овқатланиш	Ургут тумани Омонқўтон МФЙ
11	Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси	10	Турли хизмат (пайнет)	Ургут тумани Омонқўтон МФЙ
12	Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси	40	Чакана савдо	Булунғур тумани Ғўбдин МФЙ
13	Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси	24	Маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш турлари	Булунғур тумани Ғўбдин МФЙ
14	Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси	122	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш	Булунғур тумани Ғўбдин МФЙ
15	Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси	104	Умумий овқатланиш	Булунғур тумани Ғўбдин МФЙ
16	Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси	10	Турли хизмат (пайнет)	Булунғур тумани Ғўбдин МФЙ
17	Самарқанд вилояти божхона бошқармаси	147,5	Умумий овқатланиш	Самарқанд тумани Қайнама маҳалласи
18	Самарқанд вилояти божхона бошқармаси	120,78	Умумий овқатланиш	Самарқанд шаҳри Бўстансарой кўчаси, 85-«А» уй
19	Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти	1041	Мактабгача таълим ташкилотлари	Нуробод тумани Аработа маҳалласи
	жами	2501,28		

Қўшимча маълумотлар учун қўйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Самарқанд шаҳри Спитамен шоҳкўчаси, 157-“А” уй. Тел/факс: (66) 233-23-52.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳридаги “PRIME COSINESS” хусусий корхонаси (СТИР: 304803064) ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириб “PRIME COSINESS” масъулияти чекланган жамиятга айланишини ва почта манзилини Самарқанд шаҳри Гагарин кўчаси, 121-ўйдан Самарқанд вилояти Самарқанд тумани, Дўстлик маҳалласига ўзгаришини маълум қилади.

“PRIME COSINESS” масъулияти чекланган жамияти “PRIME COSINESS” хусусий корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қўйидаги манзилда қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд вилояти Самарқанд тумани, Дўстлик маҳалласи.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида марҳум Самеева Амбарга (1989 йил 10 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Фирдавсий кўчаси, 96-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолддин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Бахронова Хамрога (2003 йил 2 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолддин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Жўрақул Арақуловичга (2021 йил 4 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 73-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Бегимов Акбар Мирзаевичга (2019 йил 10 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ахтамов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасида марҳум Эргашев Нарзиқул Отақуловичга (2020 йил 3 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ахтамов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Андижон маҳалласи.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Тойлоқ туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Абдусаломова Феруза Бурхоневна номига берилган О’ Р-А № 1754618 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 49-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Бобомуллаева (ҳозирда Фахриддинова) Мадина Болтақулова номига берилган О’ Р-А № 1773686 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Тўхтаев Бобур Солижонович номига берилган О’ Р-Ш № 0967639 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ туманидаги 37-умумий ўрта таълим мактабидан 2009 йилда Рустамова Гулжаҳон Нурматовна номига берилган О’ Р-Ш № 0966951 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабидан 2009 йилда Ўсаров Шопўлат Шакар ўғли номига берилган О’ Р-Ш № 0967639 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Каттақўрғон шаҳридаги 2-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Олимжонов Жавоҳир Олимжон ўғли номига берилган УМ № 0136554 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Азимов Бахриддин Маматназарович номига берилган У № 1118858 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Даргом туманидаги 26-ўрта мактабдан 1995 йилда Маматов Ваҳобжон Хусанович номига

берилган АО № 118352 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабидан 2011 йилда Саидов Орзи Фарҳодович номига берилган О’ Р-А № 1075306 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Ёрбеков Насим Асламович номига берилган О’ Р-Ш № 0358287 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 57-умумий ўрта таълим мактабидан 2017 йилда Юсупова Хумора Азам кизи номига берилган У № 7925027 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 116-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Боймуродова Шохиста Алижоновна номига берилган О’ Р-Ш № 0254971 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Тугалова Насиба Абдуҷалиловна номига берилган О’ Р-Ш № 0547601 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қўшрабт туманидаги 31-ўрта мактабдан 1997 йилда Дўсбекова Нодира Абдумуродовна номига берилган О’ Р-А № 159761 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қўшрабт туманидаги 31-ўрта мактабдан 1997 йилда Дўсбекова Нодира Абдумуродовна номига берилган О’ Р-А № 159761 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут тиббиёт коллежидан 2016 йилда Туронова Сунбулла Шаҳоб кизи номига берилган рўйхат рақами 978, К № 4286883 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Оқдарё иқтисодиёт коллежидан 2013 йилда Сайдуллаев Абдумурод Сайдулло ўғли номига берилган рўйхат рақами 80, К № 2971539 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд енгил саноат ва иқтисодиёт касб-хунар коллежидан 2010 йилда Содиқов Жаҳонгир Баҳодирович номига берилган рўйхат рақами 201, К № 1685505 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2011 йилда Вохидова Замира Астановна номига № 364 рақамли умумий амалиёт врачлари мақоми берилганлиги тўғрисидаги сертификат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги «DAVLAT SAVLAT BUILDING INVEST» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 206494341) дуалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбек саркардаси Баҳодир Ялангтўш

ҳақидаги фильм қандай бўлиши керак?

Вилоятимизда юртимиз тарихида ўчмас из қолдирган аждодларимиз номини тиклаш ва абадийлаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Шулардан бири буюк аждодимиз Баҳодир Ялангтўшнинг ҳоким ва саркарда сифатидаги фаолиятини ёритишга бағишланган тарихий жанрдаги бадиий фильмни суратга олиш бўйича вилоят ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Кинематография агентлиги ўртасида меморандум имзоланди. Қувонарлиси, мазкур фильмни суратга олиш учун ижодий гуруҳ шакллантирилгани, фильм режиссёри Жаҳонгир Аҳмедов ва сценарий муаллифи Ҳасан Тохсўжаевларнинг сценарий ёзиш олдидан тарихчи олимлар фикрини, тарихий манбаларни ўргангани бўлди.

Чунки Баҳодир Ялангтўш сиймосини яратишда тарихий фактлардан самарали фойдаланмай туриб, салмоқли асар яратиш мумкин.


Марказий Осиё ҳудудида яшайдиган туркий халқлар тинчлиги ва фаровонлиги йўлида хизмат қилган Ялангтўш Баҳодир ҳақида бир неча ўнлаб манбаларда қайд этилади. Жумладан, рус шарқшуноси А.Хорошхин "Тиллакори билан Шердор бундан 200 йил олдин Самарқанд ҳокими Ялангтўшнинг ёки Ялангтўш Баҳодир томонидан Форсдаги Маҳшад шаҳри эгаланганлигидан келган пул ва бойликлар ҳисобига қирилган. Ялангтўш асли ўзбекларнинг олчин бугунидан бўлган", дейди ўз асаридда. Д.Эварницкий эса Тиллакори масжиди (мадрасаси) ўзбекларнинг олчин уруғи-

дан бўлган Ялангтўш Баҳодир томонидан насроний тақвимида кўра, 1618 йилда қирилган. Шердор масжиди (мадрасаси) 1616 йили барпо этилган. Абу Тохирхожанинг келтиришича, "Ялангтўш Баҳодир деб аталган бу бино Регистонда турган учала масжиддан ҳам энг улугвоори саналади", дейди. Шунингдек, П.Иванов асариде: "Аштархонийларнинг Бухородаги сиёсий тушунлиги ўзбек бекаларидан бўлган айрим Бухоро феодалининг ҳарбий-сиёсий қудратининг юксалиши йўлдошлигида кўринди. Бундайларга Абдулазиз (1645 - 1648) хоннинг таникли оталиги, Самарқанднинг машҳур Шердор ва Тиллакори мадрасаларининг қурувчиси бий Ялангтўш мисол бўлади", дея келтирилади.

Яратилаётган бадиий фильмда Баҳодир Ялангтўшнинг қиёфасини яратиш, унинг моҳир сиёсатчи ва етук саркардалиқ фаолияти тўғрисида маълумот бериш лозим.

Хўш, Регистон ансамблининг яратилишига бош бўлган Ялангтўш Баҳодирнинг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар етарлими? Афсуски, тарихий манбалар жуда кам. Тарих дарсликларда унинг асосан Самарқанддаги ҳокимлик фаолияти, Шердор ва Тиллакори мадрасаларининг қирилшида бош-қош бўлганлиги ҳақида қисқача маълумот бериш билан чекланилган.

Манбаларда Ялангтўш Баҳодир 1576 йилда туғилган бўлиб, олчин уруғига мансублиги ва 1656 йилда вафот этганлиги қайд этилган. Ялангтўшга аштархонийлар даврида мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзига хос юқори ўрин эгаллаган зодагонлардан, отасининг ўша даврдаги нақшбандийлик тариқати етакчиларидан бўлган



Маҳдуми Аъзам авлодларига шогирд бўлиши келгусидаги фаолияти учун бир қатор имкониятларни яратиб берган. Ялангтўш ёшлиғидан Бухоро ҳукмдори Динмуҳаммад эътиборида бўлади ва ўша ердаги мадрасада диний, дунёвий ва ҳарбий соҳаларда тахсил олади. Аста-секин сиёсий давраларга кириб бораётган Ялангтўш 1611-1612 йилларда Вали Муҳаммадхон ва аштархонийлар ҳукмдори Имомқулихон ўртасидаги зиддиятларга аралаша қолади ва Имомқулихоннинг қўлови туфайли 1612 йил дастлаб Самарқанд амири ва кейинроқ оталиқ мақомига эришади. Ўз қўшини, бойлигига эга бўлган Ялангтўш Бухоро хонлигининг ҳарбий ҳаракатларида фаол қатнаша бошлагани ва тезда шўҳрат қозонган. 1623 йил ва 1631 йилда Эрон кўшинлари Балх вилояти устига юриш қилганда у Балх ҳокими Надр Муҳаммадхонга ёрдам берган. Надр Муҳаммадхон Имомқулихон ўрнига тахтга ўтиргач, Ялангтўшга Қобул атрофидаги бир қатор қабилаларни инъом қилган. Кейинчалик улар ўртасида низо чиқиб, бу жанжаллар туфайли Абдулазиз хон сифатида тарих саҳнасига кўтарилади ва Надр Муҳаммадхон тарафида турган

Шоҳжаҳон кўшини билан тўқнашади. Бу жангда Ялангтўш Балхни қайтариб олишда фаол қатнашган.

Унинг бундан кейинги фаолияти жангу жадаллар ичида кечади. Имомқулихон аскарларига бош бўлиб, Ташкент ва Туркистонни эгаллаб, Сайрамга юриш қилди. Бу даврда Марказий Осиё халқлари бошига улкан хавф таҳдид солиб турарди. Марказий Осиёдаги давлатларнинг географик, иқтисодий жиҳатдан қулай шароитда жойлашганлиги, бойлиги қўлдан Шарқий Туркистоннинг шимолий қисмида яшовчи жунгорларни қизиқтириб келарди. Улар бу ҳудудларни босиб олиш орқали ўз давлатлари чегараларини кенгайтириши, Эдил ва Урал дарёси ораллигида яшовчи кўчманчи қондош уруғлар билан алоқаларни тиклашни ҳамда Еттисув ва Сирдарёни босиб олиш орқали рус ўлкалари ва Марказий Осиё билан боғловчи савдо йўлларига эгалик қилиш билан келгусида Афғонистон, Эрон ва Кавказ юртлирига ҳарбий юришлар қилишни кўзда тутарди.

Шу боис, XVII асрнинг иккинчи чорагида хозирги Қозғистон ҳудудига Хитойнинг гарбий ерларидан келган жунгорларнинг босқини кучайди. Улар қозғ қабилаларини қувгинга олиб, бир қисмини Туркистонга, бир қисмини Сибир ичкарасига қочишга мажбур қилишди. Қозғ бийлари ўзбек ҳукмдорлари билан бирилашиб, ташқи душманга қарши курашиш йўлини тутишди. 1640 йил Ялангтўш 10 минглик қўшин билан жунгорларга ҳужум қилиб, уларни ортага чекинишга мажбур қилди. Бироқ ўз ерларига қайтиб борган қозғларнинг тинч ҳаёти узоққа чўзилмади. Самарқанд ҳокимининг юртига қайтиб кетганини қўмондонлиқдаги катта қўшин билан қозғлар устига ёпирилиб келади ва Еттисув ерларигача бўлган ҳудуд Жунғорлари тарқибига қўшиб олинади. Еттисувда яшовчи аҳоли Самарқандга келиб, Ялангтўшдан ёрдам беришни сўрашади.

Бу сафар Ялангтўш Баҳодир мукаммал даражада қуролланган самарқандлик 30 минглик қўшин билан қозғ қардошларга ёрдамга отланади. Чимкент ёнида бўлган катта тўқна-

шувда Самарқанд кўшини ғолиб келиб, жунгорларни хозирги Олмаотга қадар улоқтиради. Жунгорларнинг омон қолган қисми қозғларнинг ўзлари томонидан йўқ қилинади. 1643 йили Орбўлоқ ёнида бўлган жангда Ялангтўш 20 минглик қўшин билан қозғ хони Жангир хоннинг жунгорларга қарши бўлган курашига ёрдамга келиб, жангнинг муваффақиятли якуни топишига ёрдам беради.

1646 йили Бухоро хони Абдулазиз ва бобурий Шоҳжаҳон ўртасида Хуросон ва Балхга эгалик қилиш учун пайдо бўлган жанжал уруши сабаб бўлади. Ялангтўш Абдулазизхон билан душманлик муносабатиде бўлиб, Самарқандни амалда мустақил бошқараётганлигига қарамай хонлик ҳудуди яхлитлиги учун аштархонлилар тарафида курашиб, Шоҳжаҳоннинг енгилишига муносиб ҳисса қўшади. Кейинчалик Ялангтўш Эронга юриш қилиб, Маҳшад ва яна бир қанча шаҳарларни босиб олади. Амир Темур йўлини тутиб, кўплаб қўللари, уста-ҳунармандларни пойтахт Самарқандга олиб келади.

Ялангтўш Баҳодир умрининг охиригача Самарқанд заминининг гуллаб-яшнаши, илм-фан ривожини, халқ ҳаётининг фаровонлиги йўлида хизмат қилди, мадрасалар қурдириди. Юртимизнинг "ташриф қоғози" бўлган Регистон ансамблининг қурилишига бош-қош бўлди.

Ваҳоланки, кўпчилик Ялангтўш Баҳодирни Шердор ва Тиллакори мадрасаси ижодкори ва Самарқанд шаҳри ҳокими сифатида билса-де, унинг ўзбек ва бошқа халқларни жунгорлар босқинидан асраб қолганлигидан беҳабар. У Марказий Осиё ҳудудида яшайётган халқларни, жумладан, юртимизни жунгорлар ҳужумидан асраш билан мамлакатларни вайронликдан, хунрезликлардан асраб қолди. Бу унинг буюк саркарда сифатида Ватанимиз олдидаги хизмати. Шундай экан, буюк саркарда Ялангтўш Баҳодир ҳақида фильм яратишда унинг жанговар фаолиятини ҳам ёритишга эътибор бериш лозим.

Эркин МУСУРМОНОВ, филология фанлари доктори, Толиб ЖўРАЕВ, филология фанлари номзоди.



Мустақиллик йиллари Самарқандда

2009 йил, январь

Ўтган йил вилоятда: - маҳаллий бюджет даромадлари 217 миллиард 256 миллион сўмга етди; - ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари 324 миллиард 552 миллион сўмни ташкил қилди; - солиқлар бўйича тушумлар салмоғи 119 миллиард 686 миллион сўм бўлди; - ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш даражаси 8,3 фоизга етди; - инвестиция дастурлари доирасида 71 та лойиҳа амалга оширилиб, 54,4 миллион АҚШ доллари миқдориде инвестиция ўзлаштирилди.

22 январь куни Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев Республика Президенти Ислам Каримов ҳамроҳлигида Самарқандда бўлди.

февраль

Жорий йил 1 январь ҳолатига вилоятда рўйхатга олинган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 38900 тани ташкил этди.

19 февраль куни вилоят фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоятни 2008 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва жорий йилда иқтисодийни барқарор ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари муҳокама қилинди.

март

ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси маркази директори Франческо Бандарин бошчилигидаги делегация Самарқандда бўлди.

12 март куни вилоят ҳокими Ў.Бароневнинг қарорига кўра, Баҳодир Нурмухаммедов Жомбой тумани ҳокими этиб тайинланди.

апрель

Самарқандда Регистон архитектураси ансамблининг маълумотлар портали (www.registon.uz) ишга тушди.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

14 ИЮНЬ Иzzатулла Нуриддинов - 1951 йилда Каттақўрғон туманида туғилган. Физика фанлари доктори, профессор.

18 ИЮНЬ Аҳтам Ҳотамов - 1949 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Физика-математика фанлари доктори.

20 ИЮНЬ Сайфи Жалил - (1932-2003) Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

«Тўйхат ўрнида»

Абдулла Баҳромовнинг болалик йиллари ниҳоятда оғир даврларга тўғри келди. Иккинчи жаҳон уруши бошланганда у 9 кунлик чақалоқ эди. Отаси Баҳром Маматов биринчилар қаторида жангга отланди. Рўзғорнинг бутун юки турмуш ўртоғи Амина Раҳимова зиммасига тушди. Онаизор чақалоғи бир ёшга кирар-кирмас Шайхларкент маҳалласи аёллари қатори далада ишлашга мажбур бўлди.

Ёшларга ибрат отахон

1947 йилда Абдулла Баҳромовлар хонадониде она ва боланинг дунёқарашини ўзгартириб юборган воқеа юз берди. Оилада эвакуация қилинган қозонлик татар ўқитувчи аёл яшай бошлади. У олти ёшли Абдуллани Иштихон туманидаги 8-ўрта мактабининг биринчи синфига ўқишга олиб борди. Зехни ўткир Абдулла 1957 йилда мазкур мактабининг 10-синфини битирди. У ўқувчилик йиллари ёшга нисбатан анча улғайиб, қишлоқ советида дарсдан кейин онаси ўрнида котиблик ҳам қиларди.



1966 йилгача турли раҳбарлик лавозимларида ишлади. Замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, маҳсулот миқдорини, турини кўпайтириш, сифатини яхшилашга катта ҳисса қўшди.

Абдулла Баҳромов она юртига қайтмасе бўлмади. Муштирап онаизорига қаровчи керак эди. Шу боис 1966 йилда Иштихонга қайтди. Дастлаб туман кишлоқ хўжалигига техник хизмат кўрсатиш бирлашмасида техник назоратчи, сўнгра муҳандис бўлиб фаолиятини давом эттирди. 1968 йилда туман Иштихон ва Оқдарё туманларига бўлинди. Иштихоннинг янги раҳбари Мурод Жўраев Абдулла Баҳромовдаги ташкилотчилик қобилиятини кўриб, уни даст ҳудудиде ташкил этилган «Янгикент» давлат хўжалигига бош муҳандис қилиб тайинлади. Кўп ўтмай у туман партия кўмитаси ташкилий ишлар бўлими йўриқчиси вазифасига ўтказилди. 1974 йилда вилоят партия кўмитаси ташкилий бўлими йўриқчиси бўлди. 1975 йилда Иштихон тумани партия кўмитаси иккинчи котиб этиб сайланди.

Меҳнат фаолияти давомида у устозлари Мурод Жўраев, Умар Усмонов, Оруз Маҳмудов, Саиднўмон Усмонов, Владимир Қодиров, Бектош Раҳимов, Тўрақул Йўлдошевлардан раҳбарлик санъатини ўзлаштирди. Олдин одамлар ташвиши билан ишлашни биринчи ўринга қўйди, халқ эътиборини қозонди. Унинг фазилатлари у кейинчалик вилоят алоқа бошқармаси бошлиғи, Оқдарё тумани биринчи раҳбари, вилоят табиати муҳофазе қилиш кўмитаси раиси, вилоят пахтаसानоат бирлашмаси раиси ўринбосари лавозимларида ишлаганида ҳам ёрқин намоён бўлди.

Абдулла Баҳромов 2012 йилдан буён кесалик гаштини сурмоқда. Ҳаёт фаолияти ёш авлод учун намуна бўлган отахонни табаруқ 80 ёши билан қўтлаймиз. Умрингиз узоқ бўлсин!

Абдурашад АШУРОВ.

Инглиз тилини ўргатишда ноанъанавий усуллардан фойдаланиш зарур

Жорий йилнинг 6 май куни Президентимиз иштирокида чет тилларини ўқитишни такомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган видеоселекторда соҳадаги кўплаб муаммоларни бартараф этиш юзасидан берилган вазифалардан мамнун бўлдим. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг хорижий тилларни мукаммал ўзлаштириши бўйича вазифалар аниқ белгилаб берилди. Энди давлат идораларига ишга қабул қилинадиган ҳар бир ходим битта чет тилини билиши шарт.

Чет тили фани ўқитувчилари миллий ва халқаро сертификатсиз ишга қабул қилинмайди. Тазлим муассасалари битирувчилари камида иккита чет тилини билиши зарур. Бу биз, инглиз тили фани ўқитувчиларига ҳам масъулият юклайди.

Хорижий тилларга бўлган эҳтиёж кучайиб бораётган бир даврда ёшларимиз орасида кўпроқ инглиз тилини ўрганиш урф бўляпти. Инглизчага билган кадрларга талаб кучайиб, уни мактабда, 1-синфдан ўқитиш йўлга қўйилди.

Инглиз тилини ўрганишдаги қийинчиликлардан бири - сўзларни тез ёд олиш ҳисобланади. Сўз бойлигига эга бўлган инсон инглиз тили грамматикуса ва қоидаларини билмаган ҳолда ҳам уни қисман тушуниб, ўз фикрини етказа олади. Тажрибамга кўра, инглиз тилини ёд олаётган киши озаки мулоқотни бемалол юритиши учун 1000 та сўз етарли бўларкан. Умумий мавзуларда бемалол сўзлашиш ва инглиз тилида фильмларни кўриш ва тушуниш учун эса 3-4 мингга сўз бойлиги керак бўлади.

Ўрта мактаб дастуридаги мавзулар асосида ўқувчилар ҳар йили сўз бойликларини 100-150 тагача ошириб боради. Лекин ҳамма ўқувчи ҳам берилган сўзларни ёд ололмайди. Бу машғуллар улар учун зерикарли ва қийин бўлиб кўринади.

Тажрибамга таяниб айтманки, инглиз тилида бутун анъанавий дарс ўтиш яхши самара бермайди. Чунки энди мактабга қадам қўйиб, ўз она тилида дарсларни ўзлаштиришга қийнаётган ёш бола учун ўзи умуман билмаган тилда дарсларни ўзлаштириш, керакли сўзларни ёдлаш анчагина мураккаб. Шу сабабли, дарсларимиз ноанъанавий тарзда ўтишни маъқул кўраман. Бундай дарсларга

ўқувчилар қизиқиш ва эътибор билан ёндашади. Масалан, карточкалар билан ишлаш усулидан анча йиллардан буён фойдаланиб келинаётган бўлса-де, хозиргача бу ўз аҳамиятини йўқотмаган. Маъноси олмай - карточканинг бир тарафида керакли предметнинг расми, орқасида эса унинг таржимаси ёзилган бўлади. Ён дафтарча билан ишлаш усулида янги сўзларни бир томонга, уларнинг таржимасини иккинчи томонга ёзган ҳолда ёдлаш мумкин. Сўзларнинг ёзилишини кўриб, кейин уни хотирада сақлаб қолinsa, анча самара беради. Бирор иш билан машғул бўлганда ҳам сўзларни такрорлаб юриш осон. Булардан ташқари, дарсларда "карточкалар жамлаш", "ухла, уйғон", "пантомима" каби сўз ўйинларидан фойдаланаман.

Ушбу усуллар нафақат бошланғич, балки юқори синф ўқувчиларининг ҳам дарсга қизиқишини ва эътиборини оширади. Албатта, юқори синфларда мураккаброқ усуллар, жумладан, сканворд, кроссворд, чалқаш сўзлардан гапар тузиш, сўз бирикмаларининг ярмини топиш каби машқарлар дарсда кўп вақт олмайди, ўқувчилар билимини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Болаларга тил ўргатиш оиладан бошланса, дарсда ўзлаштириш анча осон кечади. Тил бўйича бошланғич билимларга эга бўлган ота-оналар ҳам ушбу усулни қўллаш ва шароитга мослаштириш орқали фарзандларининг тил ўрганишларига кўмак беришлари мумкин.

Раъно МАРДОНОВА, Оқдарё туманидаги 45-иқтидорли давлат умумтаълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси.

Section titled 'Ҳаёт сабоқлари' (Life Lessons) with a list of authors and their names: Одам ҳар қандай бойлиқни сақлаши мумкин. Лекин бойлик одамни сақлаб қолтишга қодир эмас. Ҳар қандай душмандан қочиб қутилса бўлади, аммо душман ичингда бўлса, ундан қутулиш маҳол. Такаббур камбағалдан барча нафратланади. Ақл чироғи билан ёритилган кўнглик уйига ҳеч қачон ҳасад йўл топа олмайди.

Zarafshon Samarqandskiy Vestnik logo and contact information.

MUASSIS: «Zarafshon» va «Samarqandskiy Vestnik» gazetalarini tahririyati mas'uliyati cheklangan jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV. Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56 BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi. Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV. Navbatchi: O'.XUDOYBERDIYEV. Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV. Sotuvda narxi kelishilgan holda

ISSN-201667X. 9 772 010 667 009